

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (13.822)

Баҳоси эркин нарҳда

## МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайлиққа келтирилган бўлинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди.**

Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлиқнинг ошириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталар экан, олдинда турган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтган эди.

Жумладан, қўшинлар исталган дақиқада ўз олдида қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шуғулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт экани таъкидланган эди.

Берилган топшириқлар асосида жанговар тайёргарлик учун мунтазам шуғулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касб малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажаришга эришиш учун кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилди. Жанговар тайёргарлик дастурлари қайта қўриб чиқилди, бунда, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлишига эътибор қаратилди. Қўшинларни энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш чоралари қўрилди. Буларнинг барчаси бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда ҳалқоро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшинлар "Тревога!" сигнали билан юқори жанговар шайлиқ ҳолатига келтирилди. Тўсатдан текширувнинг асосий мақсади – жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Хозирга қадар Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган.

Сигналдан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлинмаларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир неча махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун қўшинлар колонна бўлиб чиқиб кетди.

Бунда асосий эътибор қўшинларни барқарор ва узлуксиз бошқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Текширувнинг барча босқичларида хавфсизлик қоидаларига, ҳарбий техника ва қуролларнинг соғлиғига қатъий риоя қилинган. Тўсатдан текширув давомида махсус тузилган идораларо ишчи комиссия қўшинлар ҳаракатини назорат қилиб, таҳлил этиб бормоқда.

Юқори даражадаги жанговар шайлиққа келтирилган бўлинмаларнинг эҳтимолий хавфини қайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонида ҳам ўтказилди.

Машғулотлар шартига кўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, иқтисодий тармоқлари, ўта муҳим объектлар, аҳолининг оммавий йиғилиш жойларида кўпурвучлик актилари содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартиббузарликлар келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат chegarасига яқин ҳаракатлана-

ётган шартли душманни аниқлаш ва яқсон қилиш машқларида ҳаво-десантчилари, артиллеристлар, мото-ўқчилар, танкчилар, махсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмалари қатнашди.

Шартли душман базаларига ва у жойлашган ҳудудларга Ҳарбий-ҳаво кучлари таркибидagi МиГ-29 ва Су-25 қирувчи самолётлари, Ми-24 вертолётларидан зарбалар берилди. Чалгитувчи ҳаракатларни амалга оширган ҳолда, давлат chegarасини ёриб ўтишга фаол киришган шартли ноқонуний тўдаларни артиллерия дивизиони ёрдамида яқсон этишга қарор қилинди.

Шундан кейин жанг майдонида танкчилар бўлими пайдо бўлди. Улар танк биатлонига қўлланиладиган "Суви тўсиқ", "Эскарп" ва "Тирсақли кўприк"-дан мохирина ўтиб, белгиланган маррани эгаллаб, "Танк карусели" жанг усулини қўллади.

Мудофаа операцияси давомида шартли оғир яраланган ҳарбий хизматчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, вертолётда эвакуация қилиш жараёни намойиш этилди.

Энг замонавий турдаги жанговар вертолётлар шахсий таркибини белгиланган ҳудудга десант усулида етказди. Парашют-десант батальони марралар оралиғидан суқилиб кирган шартли душманни умумқўшни захира куч ва воситалари билан яқсон қилиш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Махсус-тактик машғулотлар ҳарбийларимизнинг юксак профессионал маҳоратини, юқори жанговар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини намойиш этди.

Машғулотларни ҳарбий-маъмурий секторлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам кузатиб борди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қурол-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Мудофаа тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан мақсад мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Профессионалиги билан алоҳида намуна кўрсатган полковник Қодир Турсуновга автомашина, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга планшетлар совға қилинди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу кун Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисида белгиланган йўналишлар ҳаётга татбиқ этилди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган 46 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўтган қисқа вақтда ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бир-бирини такрорлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартирилди. Натижада қўшинларни сақлаб туришга кетадиган харажатлар камайди. Озиқ-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди. Бу ҳарбий бўлинмалар жанговар тайёргарлигини ошириш, вақт кўрсатки-

ларини икки баробар қисқартириш имконини берди.

Мамлакатимиз армияси қуролли кучлар қудрати бўйича дунё рейтингда бир йилда 9 поғонага кўтарилгани, Буюк Британияда ўтказилган нуфузли "Кембрига патрули" танловида ҳарбийларимиз 90 мамлакатдан иштирок этган 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани бу борадаги ишлар тўғрисида яққол исботлайди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди ва улар самарали фаолият юритмоқда. Биринчи марта давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокда йиғинлар ўтказилди.

Соҳага ихтисослаштирилган корхоналарни бирлаштирадиган Мудофаа саноати давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та уй топширилди. 1 минг 500 дан зиёд ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан ғурурланиши лозимлигини таъкидлади.

Мана, Амир Темури бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, ҳолисона айтиллик, улуг Соҳибқироннинг "Тузуқлари"ни қанча аскар ўқиган, – дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. – Ёки буюк саркарда Жалолоддин Мангубердиннинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг галабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги қўллаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишдади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин албатта, Ўзбекистон тарихи ва "Темури тузуқлари"ни фанидан синов топшириши кераклигини қайд этди. Илғор ҳарбий қисмларга улуг саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбоши боболаримиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар, кинолар яратишга кўрсатма берди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражада эътибор қаратиш, мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дарсларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёни билан яқиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРО АВИАЦИЯСINI ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркани янгиллаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жаҳон авиаташувлари бозорида мамлакатимиз фуқаро авиациясининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ушбу соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш учун мамлакатимизнинг фуқаро авиациясида таркибий ислохотларни амалга ошириш давом эттиришга тўққонлиқ қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ўзида ҳам давлат томонидан тартибга солиш функцияларини, ҳам тижорат фаолиятига оид функцияларни мужасамлаштирган бошқарувнинг эскирган ва ёпиқ тизими тармок корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш имконини бермапти.

Фуқаро авиаташувларининг, шу жумладан, ер устидаги инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳаддан ташқари монополаштирилганлиги ушбу соҳада хизматлар кўрсатишнинг жаҳон даражасидан анча ортда қолиб кетишига, шунингдек, мамлакатдаги айрим аэропортларнинг норентабеллигига сабаб бўлди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини жадал жорий этиш, тармокдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ қайта тузиш, авиаташувлар бозорида рақобатни ривожлантириш ва тармокқа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илхом" жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурда Маданият ва санъатни ривожлантириш жағма-маси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида "Made in Uzbekistan" халқаро экспорт кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида нуфузли давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик ишбу вакиллари, маҳаллий ва чет эллик ишбилармонлар қатнашди.



## ХАЛҚАРО ЭКСПОРТ КЎРГАЗМАСИ

Мақур кўргазма-ярмаркада "Artel Engineering and Management" МЧЖ, "Ўзбек-озиковатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзметкомбинат", "Ўшарбосаноат", "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари, "Ўзтўқимачиликсаноат", "Ўзбекипаксаноат", "Ўзчармасаноат" уюшмалари, "Имзо-Аффа" корхонаси каби 150 дан ортиқ йирик маҳаллий корхоналар иштирок этмоқда. Улар томонидан энгил саноат, фармацевтика, озиқ-овқат, чарм-поябзал, қурилиш, халқ истеъмолчи моллари, автомобилсозлик, кимё саноати, йўл-транспорт инфратузилмаси, электротехника, телекоммуникация ва ахборот технологиялари бўйича янги турдаги маҳсулотлар ва бошқа қўллаб хизматлар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада "Ўзчармасаноат" уюшмасининг 15 дан ортиқ корхонаси ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда, – дейди "Чарм ва поймабзал дизайни" маркази директори Отабек Ашуров. – Бу кўргазма барча корхоналар сингари бизга ҳам катта имкониятлар яратиб, экспорт қилиш учун ҳамкорларни қўлай-тиришимизга йўл очди. Маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда, ташқи бозорда ҳам харидорларга, АҚШ, Канада, Европа ва МДҲ давлатларига экспорт қиламиз, – дейди "Имзо-Аффа" корхонаси менежери Шерзод Арипов. – Айни пайтда маҳаллий ташкилотлардан ҳамкорлик бўйича тақлифлар тушмоқда, чет эллик ишбилармонлар ҳам маҳсулотимизга катта қизиқиш билдиришмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов сўзга чиқди.

Даврон СУННАТОВ

**XXI сақоси**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Ёш китобхон" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда энг билимли, зукко деб топилган 39 нафар иштирокчи ўз ёш тоифасида билимини синовдан ўтказди.
- Хоразм вилояти Урганч туманидаги "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуасида "Хоразм дурдоналари" деб номланган халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида 50 дан ортиқ хунарманд ва амалий санъат усталарининг маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Моҳир уста-хунармандлар томонидан хунармандчилик ва амалий санъатнинг барча йўналишлари бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.
- Нукус шаҳридан 420 километр узоқда – бепоев Устурт кенгликлари бағрида жойлашган "Қорақалпоғистон" посёлкасида 43,5 миллиард сўмлик қурилиш-

реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Посёлкада 25 та кўп қаватли уй, шунингдек, йўлак ва йўллар таъмирланди. Кўчаларга ёриткичлар ўрнатилди. Ёш оилалар, кам таъминланганлар ҳамда ногиронлиги бор фуқаролар учун 24 арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2 километр тоза ичимлик суви тармоғи яхшиланди.

## ЖАҲОНДА

- Угандадаги Виктория кўлида ҳаракатланаётган катта қайиқнинг тўнғарилиб кетиши натижасида 35 киши ҳалок бўлди, 50 нафар одам бедарак йўқолди. Ушбу ҳодисага 50 кишилик сизимга эга қайиқда 120 нафар одам сайр қилаётган асосий сабаб бўлган. Кемада Уганда шахзодасининг ҳам бўлганлиги айтилмоқда.
- Британиянинг истеъмолчилар уюшмаси саёҳат учун энг хавфсиз мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Бунда экспертлар энг оммабоп йигирмата сайёҳлик йўналишини тўрт кўрсаткич – жиноятчилик даражаси, саломатликка таҳдидлар, терактлар ва табиий офатлар эҳтимоли бўйича баҳолаб чиқди. Натижада Исландия сайёҳлар учун жаҳондаги энг хавфсиз мамлакат деб топилди. Дастлабки учликдан шунингдек, Бирлашган Араб Амириклари ва Сингапур ҳам жой олди. Туркия, Жанубий Африка ва Таиланд эса саёҳат учун мақбул бўлмаган йўналишлар сифатида тақ олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРО АВИАЦИЯСИНИ  
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини (кейинги ўринларда – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК) қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бу:

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, шунингдек, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналарининг негизда "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда – "Uzbekistan Airways" АЖ) ташкил этиш;

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК таркибига кирадиган давлат унитар корхоналарини 1-иловага мувофиқ масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш; "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда – "Uzbekistan Airways" АЖ) 2-иловага мувофиқ унга ҳўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини ўтказиш йўли билан ташкил этиш;

"Махсус авиация ишлари авиакомпанияси" ДУК негизда "Uzbekistan Helicopters" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш;

"Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналарининг негизда "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда – "Ўзавиатехтаъминот" ДК) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Куйидагилар:

а) "Uzbekistan Airways" АЖнинг асосий вази-фалари этиб белгилансин:

шу жумладан, парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштириш ва географиясини кенгайтириш ҳолда ҳаво кемалари паркидан самарали фойдаланиш; ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришнинг замонавий тизимлари ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиопаркини модернизациялаш, технология қайта жиҳозлаш ва янгиллаш;

ҳаво кемалари бортида йўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматлари, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш;

компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида йўловчилар, юклар, почта ва багаж ташиш соҳасида мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш;

энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шу жумладан, акциядорлик ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш;

парвозларни амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизлигини, шунингдек, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш;

авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига интеграциялаш, авиаташувлар соҳасида минтақавий етакчи даражасига эришиш;

б) "Uzbekistan Airways" АЖнинг асосий вази-фалари этиб куйидагилар белгилансин:

аэропортларни узоқ мuddатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш учун, шу жумладан, аэропортларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда инвестициялар жалб қилиш;

авиаташувчилар йўловчиларига аэропортларда юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун зарур барча кулай шарт-шароитларни яратиш;

аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш, йўловчилар, юклар, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини макбуллаштириш;

аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни сақлаш ва таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш;

ҳаво кемаларига ёқилги қўйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилги ва бошқа ёқилги-мойлаш материалларини узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш;

логистика соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш учун инфратузилмасини такомиллаштириш ва кулай шарт-шароитлар яратиш;

аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш.

3. "Uzbekistan Airways" АЖ Жаҳон банки гуруҳини ва бошқа халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, активларнинг авиакомпания рентабеллигини таъминловчи макбул тузилмасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг барқарор бизнес-моделли ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

"Uzbekistan Airways" АЖ шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

"Ўзавиатехтаъминот" ДК шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг авионавигация масалалари қисмида ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

"Uzbekistan Airways" АЖ устав капитали қайта тузиладиган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналарининг мол-мулкни қолдиқ қиймати бўйича ўтказиш, шунингдек, ташкил этиладиган "Uzbekistan Helicopters", "Uzbekistan Air Technics", "Ўқув-машгулот маркази" ва "Кетринг" масъу-

лияти чекланган жамиятларидаги давлат улушини номинал қиймат бўйича ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

"Uzbekistan Airways" АЖ устав капитали ушбу Фармоннинг 2-иловасида кўрсатилган корхоналарнинг устав капиталдаги номинал қиймат бўйича ўтказиб берилмаган давлат улушлари ҳисобига шакллантирилади;

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва қайта ташкил этиладиган давлат унитар корхоналарининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган мол-мулк қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиб берилди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти тузилмасида 7 та штат бирлигидан иборат таркибда авиация тармоғини ислоҳ қилиш масалалари бўйича сектор тузилсин, унинг зиммасига куйидагиларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш вазифалари юклансин:

маҳаллий ва хорижий ташувчиларнинг миллий ҳаво катновлари бозорига кириш қондалари;

аэропортлар инфратузилмасини ва авионавигацион хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури;

давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур бўлган субсидияланадиган авиайўналишларни танлаш сиёсати;

аэропортлар хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштироки ва рақобат муҳитини таъминлашга доир механизмлар;

аэропортларнинг авиация ва ноавиация хизматлари нархларини тартибга солиш;

фуқаро авиацияси соҳасида истеъмолчилар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари;

халқаро авиация ташувлари соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларнинг шартлари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари.

6. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКни қайта ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширишни мувофиқлаштириш ва амалий кўмаклашиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда – Ишчи комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (А.Н.Арипов):

а) икки ҳафта мuddатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган давлат корхоналарини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин, унда ҳар бир тадбир ўтказиладиган аниқ мuddатларни ва масъул шахсларни кўрсатсин;

б) 2019 йил 15 январгача бўлган мuddатда транспорт тармоғини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солишга оид барча комплекс масалалар учун жавоб берадиган Транспорт вазирлигини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин;

в) 2019 йил 1 майгача бўлган мuddатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарнинг:

қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналар устав капиталига (жамғармасига) ўтказиладиган;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган ҳамда қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиладиган мол-мулк рўйхатини тасдиқласин;

г) 2019 йил 1 июнгача бўлган мuddатда қўшимча компанияларнинг, шу жумладан, кам бюджетли авиакомпаниялар (лоукостерлар) ва тижорат авиацияси хизматларини кўрсатадиган корхоналар фаолияти учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

7. Куйидагилар зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКни қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, ушбу Фармонда назарда тутилган вазифалар сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига – авиаташувлар бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини бошқаришнинг янги тармоқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов зиммасига – салоҳиятли инвесторларни излаш ва авиация транспорти соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига – давлат-хусусий шериклик шартлари асосида авиация транспорти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан биргаликда Ишчи комиссия томонидан ушбу Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган рўйхатлар тасдиқлангандан кейин олти ой мuddатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, уларнинг устав капиталларини шакллантириш бўйича ишлар охирига етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида Авиация транспортини ислоҳ қилиш ва мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилишга доир узоқ мuddатли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида битим тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019

йил 1 майгача бўлган мuddатда Жаҳон банки гуруҳи томонидан ўтказилган ишлар якунлари бўйича 2019 – 2030 йилларда авиация транспорти соҳасини ислоҳ қилиш ва аэропортларни ривожлантиришга хусусий, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва "Uzbekistan Airways" АЖ Жаҳон банки гуруҳини жалб қилган ҳолда:

2019 йил 1 апрелгача бўлган мuddатда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳалар амалга ошириладиган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳи аниқлашини;

2020 йил 1 январгача бўлган мuddатда танланган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун танловлар ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига (кейинги ўринларда – Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси):

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозларни амалга ошириш;

аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар беришга оид ваколатларни ўтказиш;

б) Ишчи комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ, "Махсус авиация ишлари авиакомпанияси" ДУК томонидан фойдаланилаётган АН-2 ҳаво кемаларини ва тегишли авиация мулкни қолдиқ қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига ўтказиш;

в) "Ўзавиатехтаъминот" давлат корхонасига Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган авионавигация хизматлари учун хорижий авиакомпанияларнинг кечиктирилган дебитор қарздорлигини авионавигация хизматлари кўрсатилган тасдиқланган вақтдан бошлаб 12 ой давомида ундириш ҳуқуқини бериш.

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Белгилаб қуйилсинки:

мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган ҳўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда – ҳўжалик жамиятлари) ижро этувчи органларнинг аъзолари етакчи авиакомпанияларда катта тажрибга ҳамда корпоратив бошқарув, менежмент ва молия соҳасида зарур малакага эга бўлган мутахассислар, шу жумладан, хорижий фуқаролар орасидан танлаб олинсин;

мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакети бўйича акциядорнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалга оширадиган;

мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган ва қабул қилинадиган мол-мулкнинг қиймати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди;

2020 йилдан бошлаб ҳўжалик жамиятларининг молиявий ҳисоботи халқаро стандартлар асосида шакллантирилади, етакчи халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда йиллик мустақил ташқи аудитдан ўтказилиши лозим.

14. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки:

а) Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан, аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишга рухсатномалар беришдан тушадиган маблағлар суммасининг 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимлари томонидан солинадиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

"Ўзавиатехтаъминот" ДК соф фойдасининг 5 фоизи; авиация хавфсизлиги учун ундириладиган йиғимлар суммасининг 3 фоизи;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Жамғарманинг маблағларидан фақат:

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини моддий-техник таъминлаш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил 1 майгача бўлган мuddатда хорижий кредитлар (қарзлар) бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг пулли мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг аввал тақдим этилган давлат қаролатларини қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 июнгача бўлган мuddатда аэропортларни ривожлантириш ҳамда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш учун аввал жалб қилинган кредитларни "Uzbekistan Airways" ва "Ўзавиатехтаъминот" ДКга қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 майгача бўлган мuddатда чегирмаларнинг мослашувчан тизимини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига авионавигация ва аэропорт хизматларини кўрсатиш учун ягона ставкалар ҳамда йиғимларни тасдиқласин;

2019 йил 1 мартгача бўлган мuddатда рентабеллиги паст ички йўналишлар бўйича ташувларни амалга оширувчи авиакомпаниялар учун зарарлар ўрнини қоплашни молиялаштиришнинг барқарор механизмни шакллантиришга оид таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси Адлия вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

сиртки таълим олган фуқаро авиацияси мутахассисларининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилишга рухсат бериш;

илгор хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, ишлаб чиқарувчилар сертификатларини тан олишни ҳисобга олган ҳолда ҳаво кемалари ва авиадатгелларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун олиб кириладиган бутловчи юзумлар, эҳтиёт қисмлар, деталларни сертификатлаш тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар киритсин.

17. Куйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси тизими (IATA Clearing House) ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бошқа халқаро тизимлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишга;

б) "Ўзавиатехтаъминот" давлат корхонасига Европа авионавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти (EUROCONTROL) орқали хорижий авиакомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган авионавигация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга рухсат берилсин.

18. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарга берилган имтиёзлар ва преференциялар мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган ҳўжалик жамиятларига татбиқ этилсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган самолётлар (ТИФ ТН бўйича коди: 8802, 8803 ва 8805), шу жумладан, олиб кирилган вақтда ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган самолётлар;

ҳажон брендларининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш учунгина фойдаланиладиган сервис инвентари ва алкоголь ичимликлари учун 2023 йил 1 январгача бўлган мuddатда боҳжона тўловлари тўлашдан озод этилсин (боҳжона расмийлаштириш учун ундириладиган тўловлар бундан мустасно).

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг кўчмас мулкига оид кадастр ҳужжатлари;

қайта ташкил этиладиган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат томонидан рўйхатга олинишини йиғимлар ва боғлар ундирмасдан таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ой мuddатда:

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозлар учун рухсатномалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ходимларини уч баравар тариф коэффициентини жорий этишни назарда тутувчи моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин;

б) уч ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбек мунтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўққинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:

**Биринчидан**, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

**Иккинчидан**, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий ҳизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермаётти;

**Учинчидан**, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайдиган бўлиши уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермаётти;

**Тўртинчидан**, замонавий медиа маконда миллий маданиятни муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермаётти;

**Бешинчидан**, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этиш, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг самарали тизими яратилмагани, хорижий ташиқлотлар билан ҳамкорлик етарлиги йўлга қўйилмагани ҳам соҳа ривожига тўққинлик қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тугган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) 1-иловага;

**2019 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йул харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йул харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

**2019 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича Чора-тадбирлар дастурлари** (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастурлари) 2.1–2.14-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Концепцияни амалга ошириш бўйича “Йул харитаси” ва Чора-тадбирлар дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**2. Концепциянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни ва маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш;

тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига синдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тарғиб ва тарғиб этишда инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этиши ва маданий хизматлардан фойдаланишда ижтимоий тенг-лигини таъминлаш;

маданий соҳада ўзаро самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараб, бу борада тенг ҳуқуқлилик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатига мослигини таъминлаш;

маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизда маданият марказлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар маданият марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва буш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзидан муҳасса этган намунали дастурларини шакллантириш;

халқ ижодиёти ва бадий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, бадий ва амалий ижодий жамоалар, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ижодий жараённи тизимли равишда бойитиб бориш;

болаларни тўғарақларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш ва “нутқ маданияти” бўйича курсларни

ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанр ва йўналишлари, ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни асл ҳолича келажак авлодга етказиш;

адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадий учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг туман (шаҳар) миқёсидаги фестивалларини ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрам, томоша ва халқ сайилларини ташкиллаштириш, ижтимоий-маданий соҳада юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича уларга пулли хизматлар кўрсатиш.

4. Қуйидагилар:

**2019 – 2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 3-иловага;

**2019 – 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига зарур ҳолларда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 – 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддатда маданият марказлари фаолиятини, жумладан, маданият марказларини янги қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш, шунингдек, самарасиз фаолият юритаётган маданият марказларини мақбуллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

2019 йилнинг 1 февралига қадар маданият марказлари тўғрисидаги низомни, шунингдек, маданият марказлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда бадий ва тўғарақ раҳбарларини уларнинг меҳнат фаолияти натижаси асосида рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Қуйидагилар мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши давлат дастури доирасида марказлаштирилган манбалар ҳамда республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 июнига қадар, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувиш ва тўғридан-тўғри амал қилуви “Маданият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин:

маданият соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташиқлотларнинг вазифалари;

маданият соҳасида фуқаролар, миллат ва элаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари;

маданий объектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари;

ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, маданият соҳасидаги ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси;

маданий алмашув, халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, маданият объектлари ва санъат асарларини оммалаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Халқ чогувлари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий ракс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловларини анъанавий равишда ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ушбу республика кўрик-танловлари:

“Халқ чогувлари ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида;

Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий ракс ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг октябр ойида;

Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2020 йилнинг апрель ойида ўтказилади;

б) ушбу республика кўрик-танловлари голибларининг бир нафардан яққа ижрочилари тегишли йўналиши бўйича олий таълим муассасасининг бакалаврият босқичига қабул қилмасига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги икки ой муддатда ушбу республика кўрик-танловларини ўтказиш тартибларини ишлаб чиқин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳар йили 21-27 март кунлари “Театр томошалари ҳафталиги”ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, театр рассомларининг кўргазмалари, театр лойиҳалари ва декорациялари намойишларини ташкил қилиш, томошабинлар билан ижодкорлар ўртасида мулоқотлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат театрларига бепул кириши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

давлатлараро қўшма лойиҳа доирасида Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини “Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси” ва “Ипак йўли: Фарғона – Сирдарё ҳавзаси” номи остида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига;

Ўзбек халқининг қўна ва бетакорр санъати намунаси бўлган Хоразм “Лазги”сини “Хоразм ракси – Лазги” номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б.С.Сайфуллаев):

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларини лойиҳаларининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасига белгиланган тартибда киритсин;

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати параметрларининг ўз вақтида ва сифатли баҳарлилиши юзасидан қатъий назоратни таъминлаш;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни аниқ мезон ва натижаларни кўрсатган ҳолда мунтазам равишда тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши чораларини кўрсин, зарур ҳолларда фуқаролик жамияти институтлари ва илмий доираларни миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилишга жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган ривожлантириш давлат дастурига киритилган маданият марказларини ривожлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш чораларини кўрсин; “Йул харитаси”, Чора-тадбирлар дастури ва Дастурнинг баҳарлилиши юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб бурсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

кириш ва икки туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида юртимизда ўтказиладиган маданият соҳасидаги тадбирлар ҳамда маданият марказлари томонидан маҳаллалар ва хорижий сайёҳлар учун ташкил этиладиган маданий тадбирлар рўйхатини ҳар йили 15 декабрга қадар шакллантирсин;

мазкур тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Ариповга – “Йул харитаси”, Чора-тадбирлар дастурлари ва Дастурни амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташиқлотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли баҳарлилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудовга – Концепцияда назарда тутилган вазифаларнинг босқичма-босқич тўлиқ амалга оширилиши, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун назарда тутилган “Йул харитаси”нинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ташиқллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – “Йул харитаси”, тегишли Чора-тадбирлар дастури ва Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг ижросини тўғри ташиқллаштирилиши ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ баҳарлилиши;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Х.Комиловга – Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали юртимизда ўтказиладиган маданий тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий сайёҳларни маданий тадбирларга жалб қилиш чораларини кўриши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 28 ноябрь

## Хабарлар ПОЙТАХТДА ҚУВВАТЛАНУВЧИ УСКУНАЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ

**Бугун шахримиз кўчаларини ободонлаштиришда бензин сарфи билан ишлайдиган ўт ўрувчи ускуналар катта миқдорни ташкил этади.**

Бу эса кўчаларда шовқинларнинг сезиларли даражада ортишига олиб келмоқда. Шунингдек, бу жараён атроф-муҳит, хусусан, экологияга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ана шу муаммоларни бартараф этиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Greenworks” компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонлар музокаралар давомида шаҳарни ободонлаштиришга хизмат қилувчи ускуналар моделини тақдим этишди. Улар орасида триммерлар, чўткали асбоблар, қувватланувчи ускуналар бор.

Музокарада пойтахт ҳокимлиги мутасаддилари намойиш этилган моделлардан келгусида ободонлаштириш ишларида фойдаланишни таъкидлашди. Бу ўз навбатида ҳудудларни тозалаш жараёнида шовқин даражасини камайтириш орқали шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қулайлик яратишни таъминлайди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати

## БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

**Тошкент шаҳар “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан шаҳарда истиқомат қилувчи кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг уйлари таъмирлаш, маиший шароитларини яхшилаш, хонадон ва ҳовлиларни тозалаш ва ободонлаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.**

Ана шундай беғараз ёрдам Сергели тумани “Дўстлик -2” мавзеси, 34-уй, 34-хонадонда яшовчи, кам таъминланган оилалардан бири Жамила Юлдашеввалар оиласига кўрсатилди. Жамила опанинг турмуш ўртоғи 2012 йили вафот этган. Икки ўғил, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи вафотидан сўнг фарзандлари “Ботир, Шокір, Зарифа”, “Насибаларни боқиб ўзинимизга қўлиб кетди”. Маҳалла бу хонадоннинг аҳолини билиб, жим қараб турмади. Қўлидан келган ёрдамни кўрсатмоқда. Яқинда қизи Жамила турмушга узатишда маҳалла бош-қош бўлди. Эндиликда 3 хонали хонадон ҳомийлар ёрдамида таъмирланмоқда.

Биз ҳам маҳалла мутасаддилари билан биргаликда ушбу хонадонда бўлди. 9 қаватли уй. Лифт ишлайди. Юқорига кўтариламан. Ҳақиқатан ҳам 34-хонадон таъмирталаб аҳолига келиб қолган. Хонадон эгаси Жамила опа ишда эканлар. Уйда ака ва сингил квартирани таъмирлаётган усталарга ёрдам бермоқда.

— Худудимизда 12 та кўп қаватли уй мавжуд, 3 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Чарогон” МФЙ раиси Абдуқодир Аҳадов. — Бизда 7 та кам таъминланган оила рўйхатдан ўтган, мана тез кунлар ичида 34-хонадонни таъмирлаб берамиз. Оиланинг иккинчи фарзанди З.Юлдашев маҳаллада жамоатчи ёрдамчи сифатида иш билан таъминланди. Акалари ҳам ишлайди. Яқинда ушбу хонадонга замонавий кир ювish машинаси берилди.

Маҳаллада асосан 9 қаватли уйлар ўрин олган. Битта мактаб, тикувчилик цехи бор. Эндиликда тадбиркорлар томонидан замонавий хусусий бошча қурилиш ишлари олиб борилмади. Маҳалла фаоли Муҳаррам Азизованинг айтишича, Зарифани тўғри жуда ихчам, чиройли ўтди. Унга бутун маҳалла бош-қош бўлди. Тўйдан кейин ҳам бориб келиннинг аҳолидан хабар олиб келишди. Энг муҳими хонадон аъзолари маҳалланинг бу беғараз ёрдамидан хурсанд бўлмоқда.

З.ШАРИФҶОНОВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Марказий авария-диспетчерлик хизматининг дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмаси томонидан шаҳар ҳудудини дайди ҳайвонларни тутиш ишлари амалга оширилади.**

Шаҳримизнинг кўча ва хиёбонларида дайди ҳайвонларни учратганингизда тегишли чоралар кўриш учун дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмасининг қуйидаги телефонлари орқали маълумот беришингизни сўраймиз.

Тел: 71 247-72-27, 71 227-48-01, 71 227-48-05.

Мулоҳаза

ГАЗЕТХОНЛИК МАДАНИЯТИ БЎЛИШИ ЗАРУР

Бугун ижтимоий тармоқларда ҳам, босма нашрларда ҳам газетанинг кейинги тақдири ва обунга масаласи энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди. Баъзан шундай мулоҳазалар ҳам билдирилмоқдаки, ўқиб энсангиз қотади. Матбуотнинг нонини еган, заҳматини тотган кишигина унинг меҳнати нақадар машаққатли эканини ҳис этади.

Афсуски, айрим шаҳар ва туманлардаги тахририятларнинг аҳоли яхши эмас. Аксариятининг ўз биноси ҳам йўқ. У ерда ишлаётган ҳамкасбларимиз аҳолини гапирмаса ҳам бўлади. Маош ҳам обунга қараб-да... Муассис эса умуман ёрдам бермайди. Ваҳоланки, таъсис шартномаси ва низомида унга молиявий ёрдам кўрсатиш, газетани ўз вақтида чиқариш каби вазифалар аниқ белгилаб қўйилган.

Матбуот – жамият ҳаётининг кўзгуси, деб бежиз айтилмайди. Газеталар ҳам мамлакатимизда, хусусан, ўз худудидида (шаҳар, туман газеталари) амалга оширилаётган ислохотларни, воқеа-ҳодисаларни ёритаётгани ҳам ҳақиқат. Бугун бир ойда бир ёки икки марта чоп этилаётган, адади минг нусхага ҳам етмайдиган газеталарга эътибор бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Хусусан, давлат томонидан матбуот ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши лозим.

Тўғри, ижтимоий тармоқлар бугун ахборот етказиш борасида анча ўзиб кетган. Аммо у ҳеч қачон газетанинг ўрнини боса олмайди. Эътибор беринг. Бир сайтда шов-шувли ахборот узатилди. Ярим соатдан сўнг у ўзгариб қолиши, ҳатто олиб ташланиши ҳам мумкин. Газета – бу ҳеч қачон ўлмайди, вақт ўтса ҳам босилган мақолани сақлаб қола оладиган ҳужжатдир.

Хўш, бугун нега газеталар кам ўқилмоқда? Албатта, айб фақат бир томонда эмас. Газета ҳам бугун замонга мослашиши шарт. Тахририят ўқувчилар аудиториясини топиши учун замонавий усулларни фаолиятига жорий этиши керак. Баъзи бир газеталарнинг мазмун-мундарижасини ўзгартириш, таҳлилий, чуқур мушоҳадали материаллар салмоғини кўпайтириш борасида аниқ тадбирлар белгилаб олиши керак ўжшайди.

Обуна – бу тахририят учун бир жараён. Муассис ва тахририят барча жойда ўз газетасини тарғиб қилиши, обуна ташкил этиши мумкин. Бугун айрим тоифадаги кишилар “мажбурий обуна” деган нарсани нотўғри талқин қилмоқдаки, худди обуна қилиш мумкин эмасдек. Баъзи бир раҳбарларга обуна масаласини гапирсангиз, худди электр токи ургандек бўлади. Бундай бўлиши керак эмас, аслида.

Яна бир гап. Бугун китобхонлик маданиятини шакллантириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Албатта, бу дастлаб газета ўқишдан бошланади. Шунинг учун газетхонлик маданиятини ҳам шакллантириш кун тартибига чиқмоқда. Ҳаммамиз ҳам болалиқда атроф-муҳитни, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни газета орқали билганмиз. Ҳатто мактабда газеталарда босилган бирор кичик мақоладан диктант сифатида ҳам фойдаланганмиз. Шунинг учун газетхонлик маданиятини шакллантириш зарур. Зеро, матбуот эркин минбар бўлиб, ўз газетхонлари даврасида ҳаммиса севиб ўқилаверади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА муҳбири



Футбол янгиликлари

ЎЗБЕК ФУТБОЛИДА ҲАМ ВИДЕОТАКРОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИМИ?

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти, ЎФА биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов Миллий олимпия қўмитасида “Hawk – Eye Innovatsons Ltd” компанияси Осиё минтақаси бўлимининг бошқарувчи директори Бен Кроссинг билан учрашди.

Учрашувда Умид Аҳмаджонов ЎФА ҳам футболда видеотакрорлар тизимидан фойдаланиш тарафдори эканлигини, бу тизим ҳақамлиқдаги чалчиқларнинг олдини олишда жуда асқотишини таъкид-

лади. Шунингдек, Бен Кроссинг унинг компанияси бу борада кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик қилаётганини, видеотакрорлар тизимини футболга жорий этиш учун 4-8 ой вақт сарфланишини маълумот

ўрнида қайд этди. Учрашув чоғида томонлар VAR тизимига оид янгиликларни ҳам муҳокама қилишди. Футболчиш мутахассисди ушбу тизимни Ўзбекистонда татбиқ этиш шартлари билан қизиқди.

РЕГЛАМЕНТ ТАСДИҚДАН ЎТДИ

ЎФА ҳамда ПФЛ мутасаддилари томонидан 2019 йил учун футбол клубларини лицензиялаш регламенти яқунланганлиги ва тасдиқланганлиги маълум қилинди.

Унга кўра, келгуси йилдан жамоалар Суперлига, Про-лига ҳамда 2-лигада Ўзбекистон чемпионати бахсларида иштирок этишади. Ушбу лигаларда қатнашадиган жамоалар сони лицензиялаш талабининг бажарилишига қараб белгиланади. Истиқно тариқасида Суперлигадаги жамоалар сони 12 тадан ошмайди (10 та ҳам бўлиши мумкин). Суперлига “ва Про-лига” талаблари “деярли бир хил” бўлади. Стадиони

талаб даражасида бўлмаган жамоалар чемпионатда иштирок этмайди. Суперлига ва Пролига клубларида академиялар фаолият юртиши шарт.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ана шундай қатъий талабларга жавоб берадиган Регламент футболчиш ривожига хизмат қилишидан муҳлислар умидвор.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВИ

Пойтахтимиз аҳолисини китобга бўлган қизиқишини ошириш, улارни хусусий ва давлат нашриётлари томонидан чоп этилаётган китоблар билан ўз вақтида таништириш мақсадида Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона марказида “Энг фаол китобхон” номи танлов ўтказилди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ташкиллаштирган мазкур тадбирда “Йилнинг энг фаол китобхони”, “Йилнинг энг кўп ўқилган муаллиф асарлари” каби турли номинацияларда ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Шунингдек, эл ардоғидаги шoir ва ёзувчиларимизнинг янги чоп этилган китоблари тақдироти ҳам ўтказилди. Деял Карнеги, Дон Браун каби жаҳон адабиёти намояндларининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида кизиқарли маълумотлар берилди.

Тадбирга “Қўшиқлар қалбларга малҳам” деб номланган концерт дастури яқун ясаб берди. Ғолиб ва совриндорлар эса диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 19-наъве, 14-уй, 39-хонадон учун Туроунқулво Хайратулло Нуруллаевич номига берилган кадастр ҳужжати йўқланганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 2017 йил 3 майда 514064-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “PAZANDA MEDIA PRESS SERVICE” масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 304 869 434) ягона муассис Ўзбекистон Пазандалари ассоциацияси бошқаруви йўқланганлигининг 16.11.2018 йилдаги 3-сонли баённомасига асосан 2018 йилнинг 1 декабрдан иктиврий равишда тугатилишини маълум қиламиз. Барча кредитор ва дебиторларнинг даъволари 2 ой муддатда (71) 245-64-62 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси томонидан 1989 йилда Холмухамедов Зокир Сураатов номига берилган 7241 рўйхат рақами УВ № 553731 рақами дипломи йўқланганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“NOZ-SHEDEV” (СТПР 204856635) масъулияти чекланган жамияти “KAMALAK-PRESS” (СТПР 207091542) масъулияти чекланган жамиятига қўшилмоқда. “KAMALAK-PRESS” МЧЖ “NOZ-SHEDEV” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси бўлиб, унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Даволат эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомидида кўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99893) 508-19-49, (+99890) 929-44-84.

Қилмиш – қидирмиш

МЕРОСХЎРЛАРНИ ЯШИРИБ, ХОНАДОННИ СОТИШДИ...

Гулхумор Бозорова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 60 дан ошган. Қизи Дилхумор Россияда ишлайди. Вақти-вақти билан пул жўнатиб туради. Бир гал қизи онасига шаҳардан арзонроқ квартира чиқса, олиб қўйишни тайинлади. Гулхумор опа уй ахтариб юрган кунларнинг бирини маҳалласидаги Малика ая марҳум амакисидан мерос бўлиб қолган Сергели тумани, Спутник 15-дахаси, 7-хонадонни сотмоқчи эканлигини айтди. Гап орасида унга арзонроқ нарҳда беришларини қистириб ўтди.

Ҳаммаси ана шу кундан бошланди. “Уй меросхўрлари” мазкур хонадонни Г.Бозоровага 13 минг АҚШ долларига сотишга кўндирдилар. Уй ҳужжатларини тўлаш меросхўрнинг акаси Абдулла акага топширилди. Нотариал идорага ҳужжатлар тақдим қилинди. Меросхўрлар сўралаганда, хонадонга тегишли ҳужжатлар ва марҳум Қ.Алимардоновнинг ўлим гувоҳномаси тақдим этилди. Ушбу хонадонга Абдулла Алимардоновдан бошқа меросхўр йўқлигини айтишди.

Г.Бозорова хонадоннинг солиқ ва бошқа коммунал тўловлардан бўлган қарзларини ўзи тўлайдиган бўлди. Ушбу хонадон учун дастлабки тўлов сифатида 5 минг АҚШ долларини Малика Алимардоновнинг эри Улугбек Йўлдошевга берди. Гулхумор опа келишидан пулларнинг ҳаммасини бўлиб-бўлиб тўлаб берди. Мазкур хонадон ўз эгаллигига ўтгандан сўнг, бир оз вақт ўтиб, квартирани сотиш мақсадида эълон берди. Тез орада харидор ҳам топилди. Гулхумор квартирани фуқаро Лилия Волковага 15500 АҚШ долларига сотди.

Аслида ушбу хонадонга меросхўр марҳум Қажрамон Алимардоновнинг опаси Мадина Комилова ва бошқалар ҳам бор эди. Малика ва Абдулла Алимардоновлар ушбу ҳолатни билсалар-да яширишди. Марҳум Қ.Алимардоновга тегишли хонадонни Г.Бозорованинг ишончига кириб, фарибгарлик йўли билан сотишга эришдилар. М.Комилова мерос талаб қилиб,

ушбу масалада фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилди, фуқаролик суди бу чигалликда жиноят аломатлари борлигини англаб, ишни ўрганиб чиқишни Сергели тумани ИИБга топширди. Шу тариқа ушбу фарибгарлик ишига аралашган М.Алимардонова ва А.Алимардонов ҳамда Г.Бозоровага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди.

Суд ишда тўланган ва суд муҳокамаси даврида текширилган далилларга кўра, судланувчи Г.Бозорованинг жиноят содир қилган ёки қилмаган ҳаракати баҳо берганида, унинг содир этилган жиноятга дахли йўқ деб, топди. Судланувчилар М.Алимардонова ва А.Алимардонов ҳамда жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритишга ажратилган шахслар билан ўзгалар мулкни ноқонуний қўлга киритиш мақсадида, бир гуруҳ бўлган ҳолда олдиндан тил бириктириб, А.Алимардоновнинг марҳум укаси Қ.Алимардоновдан мерос бўлиб қолган 7-хонадонга марҳумнинг опаси М.Комилова ва бошқалар меросхўр бўлишганлигини аниқ билишиб, ушбу хонадонга А.Алимардоновдан бошқа меросхўрлар йўқлигини кўрсатган ҳолда нотариал тартибда қонун бўйича ворислик гувоҳномасини, сўнгра Г.Бозорованинг номига хонадонни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштиришга эришдилар. Оқибатда Г.Бозорова Л.Волковага квартирани 15500 АҚШ долларига сотганлиги ҳаммага маълум.

Суд қонун талабига кўра, жиноят иши бўйича қўлланмаган моддий зарарни ундириш масаласи бўйича Г.Бозоровага етказилган 13 минг АҚШ доллари низоли хонадон сотилиши муносабати билан Л.Волкова томонидан қўлланган эътиборга олиб, судланувчилар М.Алимардонова ва А.Алимардоновдан жабранувчи Л.Волкованинг фойдасига 13000 АҚШ долларини ундириш, Л.Волковага қолган 2500 АҚШ долларини ундириш масаласида Г.Бозоровага нисбатан даъво талаби билан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирди. Шунга кўра, суд Г.Бозоровани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “а, в” бандлари билан айбисиз, деб эътироф этди ҳамда оқлади.

Судланувчи М.Алимардонова ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбли деб топилиб, узил-кесил 2 йилу 10 ойга озодлиқдан маҳрум қилиш, шунингдек, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси асосида шартли ҳукм қўлланиб, 2 йил синов муддати белгилади. А.Алимардоновга эса ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда жарима жазоси билан сийлади.

Д.ВАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси, З.ШАРИФЖОНОВ, журналист

ЎЗБЕК КИНОСИ ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ ФОТОКЎРГАЗМА

Пойтахтимизда “PROlogue – 2018” халқаро кинофестивалига старт берилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Кинематографияни ривожлантириш маркази, Ёш кинематографлар кенгаши ҳамда Ўзбекистон миллий кинокомиссияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ёшлар ижод саройида фестивал доирасидаги илк тадбир “Ўзбек кинеси тарихи” деб номланган фотоқўرғазма ташкил этилди. Қўрғазмининг очилишига таниқли кино усталари, актёрлар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари тақлиф этилди.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори Фуркат Зокиров ва бошқалар мамлакатимизда миллий кино равнақи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ижодкорларни янада кўпроқ масъулият билан ишлашга қўллаётганини таъкидлади.

Миллий кино санъатимизнинг босиб ўтган тарихий йўли ҳақида хикоя қилувчи ушбу фотоқўрғазмада 70 фотосурат намойиш этилмоқда. Жумладан, 1925 йилда “Шарқ юдузи” кинофабрикаси номи билан фаолият бошлаган хозирги “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган илк ўзбек бадий фильмлари – “Улим миносаси”, “Иккинчи хотин” каби картиналар тарихидан сўзловчи суратлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни пайтда бу ерда ўтган асрнинг “Маҳаллада дув-дув гап”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Шум бола”, “Еттинчи ўк”, “Келинлар қўзалони”, “Сиз кимсиз?”, истиқлол йилларида яратилган “Ватан”, “Сабот” каби фильмлардан лавҳалар акс этган фотосуратлар билан танишиш мумкин.

Шунингдек, бу ерда кинофестиваль ташкилотчилари ҳамда ҳакамлар ҳаёти иштирокидаги матбуот анжумани, тўлик метржаз бадий фильмлар танлови доирасида кўргазистонлик киноижодкорларнинг “Тунги авария” картинаси ҳамда “Овозсиз ўзбек киносининг тарихи” ҳужжатли фильмининг танловдан ташқари намойиши бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ САРҲИСОБЛАР, ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида “PROlogue – 2018” халқаро кинофестивалининг очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор эъбилялари билан учрашуви кино соҳаси вакиллари олдида ҳам улкан вазибаларни қўйди. Юксак малакали кадрлар тайёрлаш, томошабинларни бадий жиҳатдан мукамал, юқори савиядаги миллий фильмлардан баҳраманд этиш, ижодкорлар масъулиятини юксалтириш шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2017 йил 7 августда қабул қилинган “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшлар онига миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбаъшарий кадрларга ҳурмат, ана Ватанга муҳаббат туйғуларини синдиришда катта таъсир қилган эга бўлган кино санъатининг родини ошириш, “Ўзбеккино” миллий агентлиги фаолиятини тақомиллаштириш борасида янги истиқболларни очмоқда. Унга кўра, “Ўзбеккино” миллий агентлиги учун миллий кино махсулотларини яратиш бўйича йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг прогност кўрсаткичлари белгилаб берилди. Жойларда кичик киностудиялар ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-қўнғилочлар комплекслар бунёд этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни вақтда кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида агентлик қошида малака ошириш курсларини ташкил этиш, атоқли киноижодкорлар дарс берадиган маҳорат мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш, юртимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли киноижодкорлар малакасини ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“PROlogue – 2018” халқаро кинофестивалидан қўзланган асосий мақсад ҳам кинематография соҳасида юртимиз ва хорижий тажрибани атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, ижодкорларнинг ўзаро мулоқоти учун зарур имконият ва шароитлар яратиш, юрдошларимизнинг миллий ва жаҳон кино санъатининг энг сўнгги ютуқларидан баҳраманд этишдан иборатдир. Ушбу фестивалдан дунёнинг кўпалак давлатларидан тақдим этилган 280 дан ортиқ картинадан саралаб олинган 31 та фильм томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

...Тантанали тадбир юртимиз ва хорижий кино усталарининг қўзил йўлакчадан ўтишидек ҳаждонли онлар билан бошланди. Мушиқанинг шўҳчан садолари анграйди. Халқаро фестивал барча томошабинларни қўрайди. Экранларда кўринган сеvimли санъаткорларимиз, актёр режиссёрлар энди рўпарамизда, ёнгинамизда. Кимдир улар билан бирга суратга тушади. Биров дастхат олиш илминда. Ҳамкасблар яқин режалари билан ўртоқлашмоқда. Тадбирда халқаро кинофестиваль номиначиялари, фильмлар йўналиши бўйича ҳакамлар ҳаёти тарихи, намойиш этиладиган фильмлар рўйхати эълон қилинди.

Тадбир низоҳисида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “SCORPION” бадий фильми намойиш этилди.

Халқаро кинофестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувахитов сўзга чиқди.

(ЎЗА)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 30 ноябрь кунини ҳаво ўзариб туради, кечқурун ёмғир ёғиб қорға айланishi эҳтимоли бор. Шарқдан гарбага йўналиши ўзгартирган шамол селкиди 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 3-5, кундузи – 13-15 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.